# ИШЧИЛАР ОИЛАСИГА ЧОРЛАЙМИЗ СИЗНИ!



## ЗАРГАР

Заргарлик санъати энг кўҳна санъатлардан бири. У декоратив-амалий санъат хили сифатида кенг тарқалган.

Инсон қадимдаң асл металлар, уларнинг гўзаллиги, эгилувчанлиги, бошқа металлар билан эриш ҳусусиятига эътиборни қаратган. Қадим замонлардаёқ ял-ял тобланадиган қимматбаҳо тошлар кишилар турмушига кириб борган.

Олтиннинг кичик бўлакчаси узук ёки билакузукка, тўғноғич ёки зиракка айлангунча кўпгина жараённи бошидан кечиради. Қуйилма юмшатилиши учун қиздирилади, кейин парчаланади, кесилади ёки эритилади. У заргарларгина фойдаланадиган махсус тешик очиш ёки фрезер машиналарида ишланади. Ковшарланади, зарб қилинади, тошлар мустаҳкамланади. Ана шу барча операцияларни заргар бажаради.

Заргар буюм яратишда тошнинг гўзаллигини, металлга монандлигини бир-бирига бўйсундиради, унда ўзига хос бўлган қандайдир яширин жилоларни намоён этади. Бунда унга фақат рангларни фарқлай билишгина эмас, балки уларни ҳис қилиш эстетикаси ривожланган бўлиши тақозо этилади.

Заргар қўлда ишлайди. Бу аниқликни, батартибliликни талаб этади. Ана шу касб эгаси бўлган ишчи «олтин» қўлли, эътиборли, кўз билан тўғри ва аниқ ўлчайдиган бўлиши зарур.

Заргар қўлланиладиган материалларнинг конструктив ва эгилувчанлик имкониятларини, уларга ишлов бериш технологиясини, заргарлик техникаси хилларини билиши; махсус ускуналар ва назорат-ўлчаш приборларидан фойдалана билиши зарур.

Заргарликда муваффақиятли ишлаш учун физика, химия, чизмачилик ва рассомчилик фанларидан билимли бўлиши лозим



## ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР!

**Бугун биз сизга заргарлик ва чинни ишлаб чиқариш касблари ҳақида ҳикоя қиламиз, сиз ўзлаштириб нафис, чиройли заргарлик буюмлари, чинни сервизлари ва рўзғор буюмлари тайёрлашингиз мумкин бўлган ихтисослар билан таништирамиз.**

**Булар заргарлик, чиннига гул солиш бўйича рассомлик, чинни буюмлари қолипловчилиги ҳамда саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарлик касбларидир.**

**Чинни ва заргарлик ишлаб чиқариши учун ишчи кадрлар тайёрлаш мақсадида 1974 йилда Тошкентда 26-ўрта ҳунар-техника билим юрти ташкил этилган эди.**

**Билим юрти ташкил топганидан буён ўтган вақт ичида Тошкент заргарлик ва чинни заводлари учун 2 мингдан зиёд мутахассис тайёрлаб чиқарди.**



## ЧИННИ БУЮМЛАРИНИ ҚОЛИПЛОВЧИ

Чиннидан тайёрланадиган хўжалик ва декоратив буюмлар каолин, дала шпати, кварц қуми, пигматит, спиртли сульфат қуйқаси сингари моддалардан иборат бўлган хом ашёдан масса тайёрланади. Ана шу масса андоза ёрдами билан қолипланади. Қолиплаш станогида одатда буюмларни қолиплаш бўйича поток линияси бошига ўрнатилади. Қолипловчи станокнинг ишга созлиги ва тайёрлигини текширади, гипс қолиплар миқдорини ва фойдаланиладиган массанинг намлик даражасини белгилайди. Оддий ва мураккаб гипс қолипларда буюмларнинг андозасини тайёрлайди, массанинг ёпишиши олдини олади, қолиплайдиган андозанинг сиртини вақти-вақти билан парафин билан ёғлайди, буюмларни қуритишга жўнатади.

Бўлажак қолипловчи билим юртида шакли жиҳатидан оддий ва мураккаб буюмларни қолиплаш технологик жараёнини, қолипланаётган буюмларнинг сиртқи кўриниши ҳамда бошқа белгилари орқали намлиги даражаси ва ўрнашиши даражасини белгилаш усулларини, брак хиллари ва уларнинг олдини олиш чораларини ўзлаштириб олади.





## САНОАТ УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ

Замонавий заргарлик ва чинни корхоналари мураккаб юқори унумли техника билан жиҳозланган бўлиб, уларга саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь хизмат кўрсатади. Ана шу касб эгаси бўлган ишчи саноат ускуналарининг дастлабки техник ҳолатини тиклайди ва унинг узлуксиз ишлашини таъминлайди, уларга кундалик техник қаровни амалга оширади, зарур бўлиб қолган тақдирда эса ремонт қилади.

Агар сиз саноат ускуналари ремонти бўйича слесарлик касбини танласангиз, билим юртимизда жорий, планли — олдини олиш, майда, ўрта, капитал ва ҳоказо сингари ремонт турлари билан танишасиз.



Слесарь-ремонтчи ускуналарнинг сийқаланганлиги даражасини, ремонт қилиниши лозим бўлган узеллар ва деталларда нуқсон борлиги юзасидан ведомость тузади, алмаштирилиши талаб этиладиган деталларни тайёрлаш учун эскизларини ишлайди, у бутун бир слесарь-ремонт операцияларининг комплексини: қисмларни ажратиш, тешик очиш, термик ишлов бериш, мустаҳкамлаш, резьбаларини кесиш, айрим узелларни созлаш, техник талабларни ҳисобга олган ҳолда станок ва механизмларнинг аниқ ишлашини текшириб кўриш ишларини бажаради.

Слесарь ишларни бажариш учун ремонт қилинадиган ускуналарнинг конструкцияси ва ишлаш принципларини, планли ремонт қилиш технологиясини ва сийқаланган деталларни тиклаш усулларини, асбоб-ускуналарни текшириб кўриш, созлаш, қабул қилиб олиш ва монтаж қилиш қоидасини мукаммал билиши лозим.

Қасб яхши кўриш ва эшитишни, қўллар ҳаракатини мувофиқлаштиришни, техник топқирликни, эътиборлилик ва батартиблиликни, шунингдек, умумтаълим фанларини, аввало физика, математика, химия, чизмачиликни чуқур ўзлаштирган бўлишини тақозо этади.



## ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

Тошкент заргарлик заводи базасидаги 26-ўрта ҳунар-техника билим юрти ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА 1985 — 86 ўқув йили учун ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Заргар, чинни буюмлари қолипловчиси, рассом, саноат ускуналари слесари. 8—10 синф маълумотига эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчиларнинг ўқиш муддати уч йил;

касблар бўйича: тугалланган ўрта маълумотли заргарлик учун 1,5 йил; чиннига гул солувчилик 1 йил.

Билим юртини тугатгандан сўнг ихтисос эгаллаганлиги ва ўрта маълумот олганлиги тўғрисида диплом берилади.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процентини оладилар. Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар имтиёзли шартларда олий ва ўрта махсус ўқув юртларига юбориладилар. Ўқув даври меҳнат стажига киради.

Билим юртини тамомлаб чиққанлар эгаллаган ихтисослари бўйича Тошкент заргарлик ва чинни заводларига ишга юбориладилар.

Билим юртига кирувчилар ариза билан қуйидагиларни илова қиладилар:

**— гувоҳномалар: маълумоти тўғрисида, туғилганлиги тўғрисида; справкалар: яшаш жойидан, медицина (286-форма), олти фотосурат (3x4 см).**

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9 дан то 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов район, Сағбон кўчаси, 17-тупик, 4-уй. Телефон 44-30-07.

## ЧИННИГА ГУЛ СОЛИШ БЎЙИЧА РАССОМ

Чинни саноатнинг турли хил соҳаларида кенг қўлланилади. Лекин унинг анъанавий вазифаси идиш-товоқлар, скульптуралар, архитектура деталлари ва бошқа буюмлар тайёрлашда қўлланишдан иборатдир. Чинни бўйича усталаримизнинг: лаганлари, вазалари, пиёлалари, чойнаклари ва бошқа буюмлари республикамиз ташқарисида ҳам кенг маълумдир.

Қарийб барча чинни буюмлари махсус бўёқлар билан безатилади. Чиннига гул солиш бўйича ишларни ишчи—рассом бажаради.

Чиннига гул солиш бўйича рассомнинг меҳнати асосан уч операциядан иборат бўлади: андозадан буюмга расм контурини кўчириш, расм солиш учун тайёргарлик кўриш; бўёқ, мўйқалам, счёткаларни тайёрлаш; шаффоф қоғоз ёрдамида контур бўйича расмни кўчиришдан иборат.

Расм солиниши лозим бўлган ҳар бир буюм учун ўзининг андоза — трафарети тайёрланади. Бунинг учун рассом томонидан бевосита солинган расм андоза-буюмга қолип асосига кийдирилади. Рассом расм контурини кўчиради, бунда ўша расмнинг тўла ва аниқ бўлишига қатъий риоя этади.

Расм контурига кўчириш учун ўша андоза-трафаретдан фойдаланилади. Бўёқлар тайёрлаш билан тайёргарлик кўриш ишлари босқичи поёнига етади. Расм солиш жараёни бошланади. Рассом мўйқалам ёки счётка ёрдами билан буюмларга расмларни кўчиради. Қўл билан ранг бериш одатда бир неча операцияларни ўз ичига олади. Уларнинг миқдори рангларнинг миқдори билан белгиланади.

Чиннига гул солиш бўйича бўлажак рассом билим юртида таълим олиш жараёнида берилган андозалар бўйича буюмларга бадиий гул солиш услубларини, бўёқ сифатига бўлган талабларни, бўёқлар рецептурасини, миллий нақшларни солиш хилларини, чинни буюмларга бадиий гул солиш операцияларининг технологик жараёнларини ҳамда изчил амалга оширилишини билиб олади. Буюмларга мўйқалам ёрдамида оддий, мураккаб, кўп рангли ёки кўп жилоли суратларни кобальт, олтин, кумуш эритмалари, жимжимадор нақшларни солишни ўрганиб оласиз.

Бу касб бадиий тасаввур қилиш, нозик дид, қўл панжаларининг сезгирлигини, эътиборлиликни, батартиблиликни, эстетик дидни тақозо этади.



**МАТЕРИАЛЛАР 26-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ҚОМИТЕТИНИНГ ЁШЛАРНИ КАСБ-КОР КОНСУЛЬТАЦИЯСИ ҲАМДА КАСБ ТАНЛАШ КАБИНЕТИ ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН.**

### ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/VIII да **Юлдузли тунлар**, 21/VIII да **Зебуннисо.**

### ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Африка шерлари» аттракциони** (20/VIII да соат 19.30 да).

### КИНО

20 АВГУСТДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЕТИМ БОЛАЛАР» (2 серия) — **Санъат саройи** (катта зал, 18.30, 20.45; кичик зал, 17, 19.30; телефонлар: 44-21-44, 44-21-34, 44-21-74), **Чайка** (18.30, 20.45; телефон 77-06-20), **Дружба** (17, 18, 20, 21.00; телефон 66-15-75).

«ВАСВАСА» — **Фестиваль** (21.40, телефон 32-78-02).

«МЕН ҚЎРҚАМАН» — **Хива** (21.40).

«ТИНЧ ОҚАР СУВ ЧУҚУР БУЛАДИ» — **Искра** (17, 20.00; телефон 39-14-59), **Лисунов номли** (17, 20.00; телефон 96-34-02).

«БУКРИ» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ҲАЁТ УЧУН ХАВФЛИ» — **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ДИСКО РАҚҚОСИ» — **Москва** (18.30, 21.00).

«ҚОНУНИЙ НИКОҲ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» — **Қозоғистон** (17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92).

«ФАНТОЦЦИ БАРЧАГА ҚАРШИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«АБДУЛЛА» — **Ҳамза номли** (18.30, 21.00; телефон 91-10-51), **С. Раҳимов номли** (18.30, 21.00; телефон 48-46-71).


Ўзбекистон Компарт. я Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Индекс 64690. Р — 12488. А — 2201. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.